
БИР ГУРУҲ ТАДБИРКОРЛАРГА ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ ТАШАККУРНОМАСИ ТОПШИРИЛДИ

Риштон тумани маркази ва туташ ҳудудларни обод масканга айлантириш, аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда йўлларни замонавий талаблар асосида қайта қуриш ва таъмирлаш ишларида бағдодлик саховатпеша тадбиркорлар ҳам муносиб иштирок этмоқда. Хусусан, туманда фаолият юритаётган ғишт ишлаб чиқариш заводларидан 1 млн. 280 минг донадан зиёд ғишт ён қўшниларибизга арзонлаштирилган нархларда, яна 300 минг донага яқин ғишт мутлақо бепул етказиб берилди.

Юртни обод қилиш, фуқаролар турмушининг фаровонлигини ошириш йўлида қилинган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар қанча эътибор ва эътирофга лойиқ, албатта. Шунини инобатга олган ҳолда, Бағдод тумани ҳоқими Алибек Турсунов ташаббуси билан Риштондаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшган, шунингдек, туманибиз экспорт салоҳиятини оширишда фидойилик ва ташаббускорлик кўрсатган тадбиркорларга иззат-икром кўрсатилди. Уларга туман ҳоқимлигининг ташаккурномаси тантанали тарзда топширилди.



- Қўшни туманда олиб борилаётган эзгу ишларда сизнинг улушингиз анчайин юқори бўлганини шахсан вилоятимиз ҳоқими Шухрат Ғаниев томонидан ҳам алоҳида таъкидланмоқда, - деди туман ҳоқими А. Турсунов. - Қолаверса, у ерда бажарилган ишлардан риштонликлар ҳам жуда хурсанд. Маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашганибизда бунга бир неча бор гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, туманибиз экспортёрлари ҳам белгиланган режаларни ҳар сафар ортиғи билан бажаришлари эвазига иқтисодий кўрсаткичларимиз ижобий кўриниш олиб, юзимиз ёруғ бўлмоқда. Ватан учун, халқ учун қилинган хизмат ҳаминша қадрланган бизда. Фурсатдан фойдаланиб, кўрсатган беминнат ёрдамингиз ва фидокорона меҳнатингиз учун ҳар бирингизга самимий миннатдорлик билдираман.



- Бизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан хурсанд бўлдик, - дейди биз билан суҳбатда “Эргаш ота” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Камолиддин Собиров. – Фермер хўжалигимиз қошидаги заводда ишлиб чиқарилган 95 минг дона ғишти риштонликлар учун арзонлаштирилган нархда етказиб бердик. Бунёдкорлик ишларига озгина бўлса-да ҳиссамиз қўшилганидан мамнунмиз, албатта.

Дўстона муносабат, илиқ ва самимий тарзда ўтган тадбир якунида тадбиркорларнинг келгуси фаолиятида ҳам муваффақиятлар тиланди.

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-09-11 12:06:39